

Дуо ибодатнинг мясидир



08:45 / 14.02.2019 3372

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Дуо ибодатнинг мясидир», дедилар».

Шарҳ: Бундан «Дуосиз ибодат мясиз ибодат бўлади», деган маъно келиб чиқади.

Ибодатдан кўзланган асосий мақсад, Аллоҳ субҳанаху ва таолонинг розилигини топиш, ғазабидан сақланиш билан бирга ризқ ва шифо сўраш каби дунёвий ғаразларга ҳам эришишдир. Ибодатнинг мана шу жиҳатларини дуо дейиш мумкин.

Зотан, ибодатларнинг энг асосийларидан бири бўлган намоз араб тилида «солат» дейилади, бу сўз эса дуо маъносини англатади. Бу маънодаги дуо

қалбан бўлади. Яъни сўров тилга олинмаса ҳам қалбида туради.

Ҳадиси шарифнинг арабча матнида биз «илик» деб таржима қилган сўз «муххун» лафзи ила келган. Бу сўз суяк ичидаги илик, бош чаноғи ичидаги мия, кўзнинг нозик жойи каби ҳар бир нарсанинг мағизи, асоси бўлган нарсаларни ифодалайди.

Бундан дуо ибодатнинг мағизи ва хулосаси экани келиб чиқади. Чунки одатда одам боласи кўпроқ бошқа нарсалардан умиди қолмаганда ўзини дуога уради. Ана ўша тавҳиднинг ва ихлоснинг ҳақиқатидир. Ундан устун бўладиган ибодат йўқдир.

Ибн Арабий қуйидагиларни айтадилар:

«Илик аъзоларнинг қувватидир. Дуо ибодатнинг илигидир. У билан обидларнинг ибодати қувватланади. Чунки у ибодатнинг руҳидир».

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан